


ЎЗБЕКИСТОН

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана



UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz

МИЛЛИЙ БОҒ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛанаДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб адабиётга, маънавиятга алоҳида эътибор қаратмоқда. Соҳани ривожлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлодининг маданий-маърифий савиясини юксалтириш юзасидан қатор ташаббуслари нафақат адиб ва шоирларни, балки бутун халқимизни руҳлантирди. Бунди 2019 йил адоғида ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, пойтахтимизда унинг номида ижод мактаби ва музей, адибнинг муаззам ҳайкали очилганида ҳам кўра-миз. 2020 йил ҳам халқимиз, миллий адабиётимиз учун шундай хайрли ишлар билан бошланди. Давлатимиз раҳбари янги йил бошида Миллий боғдаги Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. 2017 йил февраль ойидаги ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари маъмур боғни халқимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтирадиган, ёшларимизда Ватанга муҳаббат, адабиётимизга ҳурмат туйғусини камол топтирадиган чинакам ижод ва маънавият масканига айлантириш юзасидан тавсиялар берган эди. Орадан кўп ўтмай, ўша йил 18 апрелда Президентимизнинг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор асосида боғ ҳудудида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бошланди. Ўша йили декабрь ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбари боғда барпо этилаётган Адиблар хиёбони лойиҳалари билан танишди, ижодкорлар учун барча шароит яратилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносини кўздан кечирди, ёзувчи ва шоирлар билан учрашиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Ўша йилнинг 27 мартдаги Президент қарорига асосан, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизда «Исиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Утган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди. Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард килловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни, иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда. Йиғилишда ушбу эҳтиж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Йул харитаси» ижроси муҳокама қилинди. Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:



Моддий ресурслар тежалиб, энергия таъминоти яхшиланмоқда

2



Приглашение для участия в национальных конкурсных торгах

3



Янги шифохона фойдаланишга топширилди

4

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

«Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз.

Виждон, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради.

Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Байрамга муносиб тухфа

Халқи фаровон ва бахтли турмуш кечираётган тинч мамлакатгагина тўйлар, байрамлар ярашади, аслида. Ушбу фикрларни бежизга келтирмадик.

Ватан ҳимоячилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганига 28 йил тўлган кун муносабати билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида бунёд этилган уй-жойларнинг калитлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Ҳарбийларимизга шундай уй-жойларнинг топширилиши уларнинг соҳадаги иш унвдорлигини ҳам оширади. Аввало, шуни айтиш мумкинки, тарихан қисқа вақт ичида Ватанимиз мустақиллиги, унинг худудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз барпо этилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шахарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оҳангарон туманини кўшни Тожикистон Республикаси билан ажратиб турувчи Қурама тоғ тизмалари ёнбағрида бунёд этилган ҳарбийларнинг муносиб ва кўнглини қанқотиладиган уй-жойлари қарашли ҳарбий қисм хизматчиларидан 8 нафарига замонавий, яъни коттеж типига уйларнинг калитини топшириш маросими ҳақиқий байрамга айланб кетди. Эндиликда ушбу ҳарбий хизматчилар ўз оила аъзолари билан шаҳарниқидан қолшимайдиган шароитларга эга бўлган, тўлиқ жиҳозланган уйларда

истиқомат қилишади. Қисқа фурсатларда сифатли қуриб битказилган ушбу хонадонларнинг ҳар бири иситиш ва совутиш тизимлари, замонавий лифт ва эшик, ромлар, хуллас барча зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Ҳарбий шахарча «Бағдод Карвон» МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 4 млрд 198 млн сўмни ташкил қилади.

– Юртимизда биз – ҳарбийларга ҳамisha алоҳида эътибор қаратиб келинган. Янгидан барпо этилган ушбу ҳарбий шахарчанинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам айнан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самараси, деб биламан. Бир неча сафдошларим қатори менга ҳам ушбу уйлардан бирининг топширилиши оиламиз учун байрамга катта соғва бўлди. Давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрликларни, албатта, Ватанимиз олдидаги ўз хизматимиз билан оқлашга ваъда берамиз, – дейди кичик сержант Курбонназар Жумаев.

Ҳа, ҳарбий хизматчиларимиз, уларнинг яқинлари кўзидеги қувончни кўриб, беихтиёр биз ҳам хурсанд бўламиз. Зеро, машаққатли соҳани танлаб, халқимизга, Ватанимизга содиқ хизмат қилишга астойдил бел боғлаган жасур, мард химоячиларимиз ўз бурчини шараф билан тўла адо этишларида бүгунгидек кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътибор уларнинг келгусидаги хизматларига қанот бахш этиши, шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.



«Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати»

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига биноан мамлакатимизда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида ватанпарварлик ойлиги юксак савияда ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида она Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари, кўрсатган матонати ва жасорати учун давлатимизнинг юксак мукофотлари – «Жасорат», «Мардлик» медаллари ҳамда «Мард ўғлон» ва «Зулфия» давлат мукофоти соҳибларининг ёшлар иштирокида маънавий-маърифий учрашувлари ташкил этилган ана шундай тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимиз мудофеасига қаратилган эътибор, ҳарбийларимизга яратилаётган шарт-шароитларни эътироф этдилар. Ватан ҳамisha азиз ва муқаррам ҳисобланади. Шу боис, юртимиз осмонининг мусаффолиги ва халқимиз ҳаётининг фаровонлигида ҳарбий хизматчилару юртимиз истиқболига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир юртошимизнинг

ҳиссаси бор. Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, ёшларимизни ватанпарварлик қатта тарбиялашда ҳарбий хизматчиларнинг қатта ҳаёт мактаби юртимизда турли соҳаларда кўплаб муваффақиятга эришадиган йигит-қизларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, тенгдошларига ибрат бўлиши табиий. Тадбирга таклиф этилган ҳарбийларнинг сўзга чиқиши аниққисса, талаба-ёшларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар томонидан бугунги тинч-тотув, фаровон ҳаётимиз, ёшларимизнинг баркамол ва ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етиши учун яратилган шароитлар замирида она Ватанимиз осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган ватандошларимизнинг матонатли меҳнатлари борлиги ҳаётини мисоллар орқали таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 4-бетда)

МИЛЛИЙ БОҒ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ КЎЗГУСИГА АЙЛНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу асосда Адиблар хиёбонидаги бунёдкорлик ишлари янги bosқичга чиқди. Бу хиёбон Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун бўлиб, яхлит меъморий ансамбль ҳосил қилиши учун янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра, 8 гектардан зиёд ҳудуд ободонлаштирилиб, Алишер Навоий ҳайкалини қайта ўрнатиш белгиланган.

Адиблар хиёбонида ўзбек адабиётининг маънавий-маърифий шажараси сифатида етук адибларимиз ҳайкаллари ўрнатиш кўзда тутилган. Бу ерда Президентимиз ғояси асосида шу пайтга қадар ўрнатилган ҳайкаллар қаторида Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Беҳбудий, Чўпон, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Авлоний каби муътоз адабиётимиз дарғалари, шунингдек, Тўлепберген Қайибергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг сингари замонавий адабиётимиз вакиллари ҳаётининг ёдгорлик мажмуалари ўрин олади.

Шавкат Мирзиёев бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар кўринишига оид лойиҳалар билан танишди. Ҳайкаллар ёнида лавҳлар ўрнатиб ҳамда аудиоёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тadbирлар ўтказиш учун кўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали тумбазани безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адиблар хиёбони ёнида Тошкент музейи ташкил этилади. Музей собиқ Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биносидан фойдаланиб ташкил этилади. Айни пайтда мазкур бинони реконструкция қилиш якунланмоқда.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи филиали бўладиган мазкур музей Шош, Чоч, Бинкат, Бинокат каби номлар билан аталган Тошкент шаҳрининг қадимги даврлардан то XVI асгача бўлган тарихини ўзида қамраб олади. Музейда Тошкент шаҳрининг тарихий даврлари ноёб экспонатлар, қimmatли манбалар ва кўргазмали экспозициялар асосида акс эттирилади.

Жумладан, биринчи қаватда қадимий Тошкентнинг электрон макети жойлашади. Томошабин ушбу электрон макет орқали ўтмишда Тошкент қандай бўлган, шаҳарнинг ривожланиш жараёнлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Иккинчи қаватдан турли даврларга хос экспозициялар ўрин олади.

Умуман ушбу музей нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳлар учун қизиқарли бўлиб, янги туризм объекти сифатида халқимизнинг миллий ўзига хослигини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари музей концепциясига оид лойиҳалар билан танишиб, унинг мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича ўз фикрларини билдирди. Тошкент тарихи, бу ерлик алломалар мероси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу жой илимий асосланган, шаҳарнинг буюк ўтмишини ёшларга, меҳмонларга етказадиган маскан бўлиши керак, — деди Президент.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи негизда замонавий ва юқори технологияли маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилмоқда.

Президентимиз истироҳат боғи қурилишини ҳам кўздан кечирди. Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳар-созлик уйғунлигига алоҳида эътибор қaratилган. Лойиҳа Австралианинг «Sanderson Group» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу компания дунёда энг замонавий элликдан ортқ парк лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этган.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳани амалга ошириш жараёни ҳақида маълумот берилди. Боғ ҳудуди 21 гектар бўлиб, бу ерда жаҳон архитектураси дурдоналари намуналари, амфитеатр ва мусикали фаввора, аттракционлар, оилавий ҳордиқ учун бошқа объектлар барпо этилиши мўлжалланган. Қаср-сарой кўринишидаги тантанали маросимлар жойи, болалар кафеси ва бошқа мақсадлар барпо этилиши мўлжалланган.

Ҳудуд мусавволигини таъминлаш мақсадида боққа каштан, қарағай, япон софораси, магнолия, дуб, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, буталар экилади. 70 ва 100 йиллик дарахтлар сақланиб қолинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 сентябрдаги қарори асосида бунёдкорлик ишлари икки bosқичда амалга оширилмоқда. Биринчи bosқичда 9 гектарда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бажарилади. Замонавий океанариум, 650 ўринли амфитеатр, 57 метрли қаср, мусикали фаввора, бинолар, ёпиқ оилавий кўнгилочар марказ, кинотеатр, 600 ўринли автомобиллар тўхташ жойи қурилади.

Боғдаги энг ноёб иншоотлардан бири океанариумдир. Бу ерда сифими 1 миллион литргача бўлган 22 та акваариум бўлади. Океанариумда илгиримдан ортқ турдаги ноёб баллиқлар, денгиз жониворлари парваришланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ҳудуддаги биноларни қуришда Барселона, Париж, Москва, Лондон, Амстердам, Рим, Венеция, Прага, Вена, Берлин каби дунёга машҳур шаҳарлардаги архитектура намуналаридан фойдаланилади. Ҳудудда ушбу шаҳарларнинг ўзига хос таомлари, ширинликлари тайёрланади ва шунга хос муҳит яратилади.

Иккинчи bosқичда 12 гектар ҳудудда аттракционлар, аквапарк ва сайлгоҳлар қурилади. Дунёга машҳур «Диснейленд» паркининг аттракционлари нусхаларидан фойдаланилади. Италия, Германия ва АҚШда ишлаб чиқарилган шундай энг замонавий аттракционлар келтириб ўрнатилади. Миллий боғ ҳудудидаги қўл ҳам реконструкция қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари истироҳат боғининг йил давомида ишлатилиш таъминлаш, одамлар оилавий дам олиши учун кенг имконият яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги қадимий обидалар макетини ўрнатиб, ёшлар ва сайёҳларнинг тарихимизга қизиқишини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши мазмунли маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш ва одамларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишини таъминлайди, Тошкент шаҳрининг туристик жозибадорлигини оширади.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари билан мулоқот бўлди.

Тошкент шаҳрини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар муҳокामа қилинди.

Мутасаддиларнинг 8 январь кунини Давлат бюджетни параметрларини ижро этиш ва худудларда тadbиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор ййгилишидан олган хулосалари, уларни таъминлаш бўйича режаларни эшитилди.

Туман ҳокимлари инвестициялар жалб этиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш, тadbиркорларга муносиб шароит яратиб, маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш ва одамларнинг даромадларини кўпайтириш йўлида доим изланиши зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қулайликларни ошириш бўйича ҳам иштироқдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Шу кунини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сиёсатининг асоси бўлган халқ билан мулоқот тизими аҳоли манфаатларини таъминлаб, одамларнинг ҳаётига, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда.

Акунда Тошкент шаҳри, Бунёдкор шох кўчаси 2-уйда янги Халқ қабулхонаси биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш учун хоналар, Давлат хизматлари маркази шохобчаси, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатувчи «Мадад» нодавлат-нотижорат ташкилоти бюроси, психолог, тиббий хизмат кўрсатиш, она ва бола хоналари, буфет, фуқаролар кўтиш зали мавжуд. Бу ерда кунига 200 нафаргача мурожаатчини қабул қилиш мумкин.

Қабулхонада аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, муурожаатларни кўриб чиқиш учун замонавий шароитлар яратилган. Фуқароларга қулай бўлиши учун соҳавий бўлимлар ташкил этилган.

Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали 3 миллион 650 мингдан зиёд киши муурожаат қилгани жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда Халқ қабулхоналарининг аҳамияти нақадар юқори бўлаётганини кўрсатади. Мазкур муурожаатларнинг 2 миллионга яқини ҳал этилган, 1,5 миллион муурожаатчига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Бундан ташқари, жойлардаги Халқ қабулхоналари томонидан сайёр қабулларда 1 миллион 700 минг фуқаро билан мулоқотлар ташкил этилган. Халқ қабулхоналари ва секторлар масуллари уйма-уй юриши натижасида 988 минг муаммоли ҳолатга ечим топилган.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасида яратилган шароитларга юқори баҳо берди. — Бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топиши, Тошкент бу борада намуна бўлиши керак, — деди Президентимиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖАНИБЕКОВ,
Умар АСОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидро электр станцияларида 120 мегаватт кўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттти буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттти шамол ва шунча қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Ййгилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарадорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани қайд этилиб, «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига йил акунига қадар яна 4 миллион 500 минг дона замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси кўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислохотларнинг кейинги bosқичида электр энергиясининг қоробати улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвест...

торларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини bosқичма-bosқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ййгилишда соҳани ривожлантиришнинг узoқ истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазириликга кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларнинг жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидро электр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўлган мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Ййгилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-tadbirlar белгилаб олинди.

ЎЗА.

Меҳр оролни кутқаради

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда Мўйноқ туманида «Меҳр Оролни кутқаради» лойиҳаси доирасида тadbirlar бўлиб ўтди.



Лойиҳанинг дастлабки кунини фаол иштирок этаётган минг нафардан зиёд ёшлар учун қатор маънавий-маданий тadbirlar ташкил этилди. Жумладан, иштирокчилар туман марказида ўтган йили фойдаланишга топширилган «Future Muynok» ўқув маркази ва Ёшлар маркази, Болалар мусика ва санъат мактаби фаолияти билан танишди. «Орол» ва «Очқос осмон остидаги кемалар» музейлари-

га саёҳат ташкил этилди. Орол денгизи ва Мўйноқ туманининг тарихи ва бугуни ҳақида маълумотлар берилди. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ташаббуси билан ишлар ўтган йилдан «Меҳр Оролни кутқаради» лойиҳаси амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Бийбижон Аралбаева. — Жум-

ладан, ўтган давр мобайнида «Орол ёшлари» доимий экспедицияси ва Қорақалпоғистоннинг иқтисодий, иқтисодий ва инновацион ривожлантириш бўйича «Ёшларнинг инновацион ғоялари» саммити ташкил этилди. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Марказий Осиё ёшларининг «Оролни кутқарайлик» мавзусида илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Лойиҳанинг иккинчи кунини ёшлар Оролни кутқарган ҳудудда Халқаро пресс-клуб томонидан «Орол тақдирини: денгиз чекинмапти, инсон чекинмайди» мавзусида ўтказилган наватбадаги сессиясида иштирок этди. Тadbирда ёшлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди. Куннинг иккинчи ярмида ёшлар мазкур ҳудудга саксувот киши ишларига ҳам ўз хиссасини қўшди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Янгиланган биноларда сифатли хизмат кўрсатилади

Бугун ҳар соҳада бўлгани каби электр энергияси етказиб бериш тизимини ҳам ижобий ўзгаришлар ва янгилашлар юз бермоқда.



Айниқса, истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлашга қаратилган қатор лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, соҳага татиқ этилаётгани эътиборга молик. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-tadbirlari тўғрисида»ги қарорига асосан «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан жойларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бугунги кунда «Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти тасарруфидаги 20 та туман, шаҳар электр таъминоти корхонаси истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб бериш йўлида самарали фаолият олиб бораётган. Жойларда ишчи-ҳодимлар ва каби истеъмолчиларга қулайликлар яра-

тиш мақсадида замонавий бинолар барпо этилиб, мукамал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Кунини кеча Учкўприк туман электр таъминоти корхонасининг маъмурий биноси ҳам тўлиқ мукамал таъмирдан чиқарилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тadbирда туман мутасадди ташкилот раҳбарлари, «Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ва Учкўприк туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ҳодимлари қатнашди.

— Маъмурий бино кўркем қиёфа касб этиб, корхона ҳудуди ободонлаштирилди. Яратилаётган бу каби шарт-шароитлар масъулиятимизни

янада ошириб, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишимизга кенг йўл очиб бермоқда. Эндиликда корхонага ташриф буюрган истеъмолчи хонама-хона юриб, кўп вақт йўқотмасдан бир жойнинг ўзида ҳисобчи, ҳуқуқшунос, истеъмолчилар билан ишлаш каби хизматлар ёрдамида ўз муурожаатлари бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши мумкин, — дейди Учкўприк туман электр таъминоти корхонаси Истеъмолчилар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш. Сатторов. — Бундан ташқари, «Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ томонидан вилоятдаги намунали иш фаолиятимиз учун топширилган кичик юк автомашинаси жойларга зудлик билан етиб бориб, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этишга хизмат қилишини таъкидлашимиз жоиз.

Маъмурий бинони фойдаланишга топшириш маросимиде соҳада узoқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда қариллик гаштини сўраётган нурунийлар ҳам тақлиф этилиб, амалга оширилган ишлар билан таништирилди.

Бу каби бунёдкорлик ишлари бошқа туман ва шаҳарларда ҳам белги-ланган чора-tadbirlarга асосан олиб борилмақда.

ЎЗА МУХБИРИМИЗ.

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш орқали худудлар имкониятларини тўла юзага чиқариш, пировардида аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётган.

Моддий ресурслар тежаллиб, энергия таъминоти яхшиланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017–2021 йилларда паст кучланишли тармоқларни янгилаш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661-сон қарори ҳамда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари ижроси доирасида «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ташаббуси билан соҳада ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш орқали энергия таъминотини яхшилаш, аҳолига кузқиш мавсумида ҳам узлуқсиз электр қуввати етказиб бериш ҳамда инфратузилmani мустаҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Анджон худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ негизда траверс ва металл конструкциялар ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг ўзида 8 минг донан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиши натижасида 500 млн сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Ишлаб чиқариш цехида барча турдаги электр тармоқларига хизмат кўрсатадиган ускуналар, жумладан, OF-1, OF-2, M-1, M-3 траверс ва бошқа турда-



ғи темир қурилмалар замонавий тоқарлик дастгоҳларидан фойдаланган ҳолда тайёрланмоқда.

Жорий йилда темир қурилмаларга бўлган эҳтиёж 25 минг дондан зиёдлигини ҳисобга олганда, корхонада иқтисод қилинадиган маблағ 2 млрд сўмини ташкил этиши, бу эса

ўз навбатида, техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг янада ошиши, ҳодимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш имконининг кенгайишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дилфуза ҲАБИБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

**ПРИГЛАШЕНИЕ
ДЛЯ УЧАСТИЯ В НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**

Дата:	14.01.2020 г.
Номер займа:	9/717
Наименование проекта:	«Строительство современных домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием Саудовского фонда развития»
Номер объявления:	НКТ/СФР-2020-1
Наименование работ:	Закупка работ по строительству 5 (пяти) многоквартирных домов с 36 единицами 2-, 3- и 4-х комнатных доступных квартир по пакетам № 179, 180, 181, 182 и 183 в массиве Хувайдо Ташкентского района Ташкентской области
Окончательный срок подачи предложений:	Согласно нижеприведенной таблице

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Саудовского фонда развития (Фонда) на покрытие расходов по проекту: «Строительство современных жилых домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием СФР». Контракты будут финансироваться совместно с Правительством Республики Узбекистан. Тендерные торги открыты для приемлемых участников торгов. Процесс национальных конкурсных торгов (НКТ) будет проводиться в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №243 от 26 апреля 2017 года и Руководством по закупкам СФР.

2. Заинтересованные компании могут участвовать в НКТ как по одному, так и по нескольким лотам, как указано в тендерной документации. Участникам тендера, желающим предложить скидки в случае если им будет присужден более чем один контракт, будет разре-

шено сделать это, если эти скидки включены в Письме тендерного предложения.

3. Ташкентский региональный филиал «Кишлоқ курилиш инвест», расположенный по адресу город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 100 («Работодатель»), принимает запечатанные и маркированные предложения от правомочных участников по Лотам № 179, 180, 181, 182 и 183 на строительство 5 (пяти) многоквартирных домов с 36 единицами 2-, 3- и 4-х комнатных доступных квартир в массиве Хувайдо Ташкентского района Ташкентской области («Работы»).

4. НКТ будет проводиться в соответствии с условиями, указанными в Руководстве по закупкам и отбору подрядных организаций на строительство доступных жилых домов, процедура проведения НКТ «Одноэтапная одноконвертная». Данный НКТ открыт всем правомочным участникам, как указано в тендерной документации.

5. Только правомочные участники со следующими ключевыми квалификациями могут участвовать в данном тендере:

5.1. Средний годовой оборот в строительстве (СГОС) и требование по опыту строительства для одного многоквартирного дома:

А	В	С	D		
Тип дома	Требуемый опыт по строительству каждого дома (сум)	Специальный опыт в строительстве (а) Аналогичные контракты (по крайней мере по одному контракту) в течение последних (три) 3 года (сум)	Специальный опыт в строительстве (б) Специальный опыт в строительстве в ключевой деятельности		
			завершение земельных работ не менее ___ м² по одному контракту за последние 3 (три) года	завершение бетонных работ не менее ___ м³ по одному контракту за последние 3 (три) года	завершение строительства домов с общей жилой площадью не менее ___ м² по одному контракту за последние 3 (три) года
Многоэтажный дом с 36 единицами 2-, 3- и 4-х комнатными доступными квартирами	17 800 000 000	9 500 000 000	500	1000	2200

5.2. Требование по финансовым ресурсам:

А	В
№ лота	Требование финансовых ресурсов по условиям контракта в узбекских суммах
179	3 000 000 000
180	3 000 000 000
181	3 000 000 000
182	3 000 000 000
183	3 000 000 000

5.3. Требуемое ключевое оборудование:

№	Вид оборудования и характеристика	Минимальное требуемое количество
1.	Башенный кран грузоподъемностью 10 тонн (при наличии договора аренды)	1
2.	Самосвалы грузоподъемностью 10 тонн (при наличии договора аренды)	2
3.	Вибратор для укладки бетона (поверхностного типа)	1
4.	Ручной вибратор (горизонтально-плоского типа) для уплотнения грунта	1
5.	Газосварочный аппарат	1
6.	Битумный котел, передвижной	1

5.4. Требуемый ключевой персонал:

№	Должность	Общий опыт работы (лет)	Опыт участия в аналогичных работах (лет)
1.	Руководитель проекта/Прораб	5	3
2.	Инженер по гражданскому строительству/инженер-строитель	5	3
3.	Специалист ПТО	5	3

6. Для получения детальной информации и ознакомления с тендерной документацией участники торгов должны связаться с организатором конкурсных торгов.

Организатором конкурсных торгов является Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ташкентской области при Министерстве строительства Республики Узбекистан. Адрес: г. Ташкент, ул. Навои, 18, тел.: (71) 241-15-26, факс: (71) 241-15-26, электронная почта: toshksaltingtorg@bk.ru. КЦ организует и проводит конкурсные торги от имени региональной тендерной комиссии. КЦ оказывает техническую и административную поддержку региональной тендерной комиссии по регистрации участников, распространяет документы для зарегистрированных участников, а также получает и обеспечивает все предложения до вскрытия для осуществления оценки и процесса присуждения контракта.

7. Чтобы приобрести тендерные документы на русском языке правомочные участники торгов должны: написать по адресу, указанному выше, с просьбой предоставить тендерные документы для строительства многоквартирных домов с 36 единицами 2-, 3- и 4-х комнатными доступными квартирами в сельской местности; оплатить невозвращаемую сумму в размере одной минимальной заработной платы (МЗРП) путем банковского перевода на нижеуказанный банковский счет: р/с: 2021 0000 5045 4602 7001 Алмазарский филиал АТБ «Asia alliance bank» МФО 01102 ИНН 300 017 720, ОКЭД 74900.

8. Представлять свои предложения можно: по вышеуказанному адресу; до наступления окончательного срока подачи (приведенный в таблице ниже); вместе с банковской гарантией, как описано в тендерной документации.

Конверты с предложениями будут вскрываться сразу же после крайнего срока подачи заявки в присутствии представителей участников торгов, решивших принять участие.

Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

№ лота	Район	Массив	Многоэтажный дом с 36 единицами 2-, 3- и 4-х комнатными доступными квартирами			Крайний срок подачи
			№	к-во домов	к-во квартир	
Ташкентская область						
				5	180	
SFD-179	Ташкент	Хувайдо	1	1	36	14 февраля 2020 года, 11.00
SFD-180	Ташкент	Хувайдо	2	1	36	14 февраля 2020 года, 11.20
SFD-181	Ташкент	Хувайдо	3	1	36	14 февраля 2020 года, 11.40
SFD-182	Ташкент	Хувайдо	4	1	36	14 февраля 2020 года, 12.00
SFD-183	Ташкент	Хувайдо	5	1	36	14 февраля 2020 года, 12.20

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали томонидан ташкил этиладиган очик аукцион савдоларига «Дон Халқ Ризқи» АЖнинг 2020 йил 8 январдаги 94-сонли буюртномасига асосан «Дон Халқ Ризқи» АЖга қарашли Шахрисабз тумани, «Янгиқиллоқ» МФЙ, Янгиқиллоқ қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони – 100 000,0 квадрат метр бўлган, (8983 тўп олма ва 215 тўп олхури дарахларидан иборат) интенсив боғ қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 443 125 000 сўм.**

Кўчмас мулк ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи «Дон Халқ Ризқи» АЖ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси 2020 йил 18 февралда кунди соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Қарликҳона» МФЙ, «Тошсарой» кўчаси, 20-уйдаги «Qashqadaryo Mulk markazi» МЧЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунли олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида ушбу мулк 2020 йил 18 февралда кунди сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йилнинг 4 март кунди соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- **юримоний шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширганга қадар, тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9009 АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190, СТИР 207 122 519.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарликҳона» МФЙ, «Тошсарой» кўчаси, 20-уй.

Тел.: (75)-225-44-58.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

Веб-сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган. RR-0001 рақамли лицензия.

«Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 14 февралда кунди бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг 2019 йил 8 декабрдаги 44-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармасининг 2020 йил 13 январдаги 33/6-58-сонли хатига асосан Урганч шаҳар, Тинчлик кўчаси, 12-уйда сақланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси балансида бўлган таъмирталаб ҳолатдаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 281 VSF бўлган ВА3-21065 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 442 818 сўм.

2. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 251 VSF бўлган П1С0 русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 361 361 сўм.

Ушбу мол-мулклар 2020 йил 14 февралдаги очик аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 март кунига расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- **юримоний шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истаганда бўлган хариidorлар закат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 20 (ийгирма) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

Тўлов учун реквизитлар: ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88.
Веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

«Qashqadaryo Universal Avtotrans Servis» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қашқадарё вилояти Адлия бошқармасининг 2020 йил 6 январь 10-04-01-сонли хатига асосан, Қашқадарё вилояти Адлия бошқармасининг балансида бўлган 2 дона қуйидаги техник ҳолати соз автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Нексия» русумли, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 769 НВА, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 45 000 000 сўм.**

2. «Нексия» русумли, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 754 НВА, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм.**

Аукцион савдо 2020 йил 14 февралда кунди соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон газетанда чоп этилган кундан бошлаб ҳар кун иш кунлари соат 10.00 дан 14.00 гача тушлик.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3-уй (мўлжал: Қарши шаҳар Педагогика коллежи ёнида, собиқ 3-алоқа бўлими биноси)да қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 12 февралда кунди соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. **Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси «Qashqadaryo Universal Avtotrans Servis» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 8002 0296 9001 «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Қарши филиали МФО 01099 СТИР 302 567 463.

Аукцион савдосида қатнашиш истаганда талабгорлардан жисмоний шахслар фуқаролик паспорти нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтгани ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва корхона устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, ишончнома тақдим этишлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3-уй.
Мўлжал: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, Қарши шаҳар Педагогика коллежи ёнида, собиқ 3-алоқа бўлими биноси.

Телефонлар: (75) 225-34-69, (91) 227-58-36.

Хизматлар лицензияланган. 2219 рақамли гувоҳнома.

Янги шифохона фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, нафақадаги ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий шифокорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Мамлакатимизда амалга оширилган соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотлар натижаида шифо масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланган, ҳарбий тиббиётни ривожлантириш, Ватан ҳимоячиларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш каби муҳим ишлар ҳам мудофаа йўналишининг устувор вазифалар қилиб белгиланган алоҳида таъкидланди.

Бу ерда даволаш-диагностика бўйича лаборатория таҳлиллари олиб борилади. Хусусан, юқумли касалликлар бўлими, ҳаво томчи ва инфекцияси бўлими, тери-таносил касалликлари бўйича хизмат кўрсатилади. Мазкур бинода етти ой олдин капитал таъмирлаш ишлари бошланган эди.

17 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига ташкил этилган юқумли касалликлар бўлими биноси эндиликда бир вақтнинг ўзида 225 беморни қабул қилиб, уларга зарур муолажаларни кўрсата олади. Барча хоналар замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

– Бу ерда малакали ҳарбий шифокорлар фаолият кўрсатмоқда, – деди Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи, полковник Худойқул Раҳимов. – Фойдаланишга топширила-

ётган юқумли касалликлар бўлими биноси ҳам тиббий хизматга эҳтиёж сезган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги учун ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз. Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича олиб борилган тизимли ишлар самарасида кейинги йилларда ҳарбий тиббиёт ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Соҳага янги-янги технологиялар кириб келди, жойларда юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатаёпти.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги тасарруфида замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, малакали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бораётган даволаш-профилактика муассасалари, тиббий хизмат кўрсатишнинг бирламчи бўлими бўлган кўп сонли ҳарбий тиббиёт пунктлари, шу билан бирга ҳарбий санитариялар ва бошқа муассасалар бор. Соҳада амалга оширилаётган бу қулайлик ва афзалликлар шифокорларнинг ишини бир қадар энгиллаштириш билан бирга, беморларнинг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Зотан ҳарбий хизматчилар қаерда, қандай шароитда хизмат қилмасин, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ҳарбий-тиббиёт муассасалари инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнида уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда замонавий тиббий ускуна ва жиҳозларнинг қўлланилаётгани касалликларга ташхис қўйиш, даволашнинг янги усулларини ўзлаштириш юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Пойтахтимиздаги Яшнобод туманида жойлашган ҳарбий шаҳарчада «Олмос» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Байрам арафасида шаҳарча янада гавжум бўлди.

Уйлар муборак!

Бу ерда Тошкент шаҳар ҳарбий округи мутасаддилари, соҳада самарали фаолият юритиб келаётган ҳарбийлар ва уларнинг яқинлари, Республика маънавият ва маърифат маркази аъзолари, Яшнобод тумани ҳокимлиги, «Ушшаҳар қурилиш инвест» ИК масъуллари, маҳалла фаоллари, ОАВ ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Тадбирда Тошкент ҳарбий округи кўмондони Зокиржон Сайфуддинов сўзга чиқиб, бугун мамлакатимиз Қуролли Кучларига, миллий армиямизга Давлатимиз раҳбари, Олий бош кўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан қаратилган юксак эътиборни алоҳида эътироф этди. Шундан сўнг «Олмос» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган янги замонавий қурилишдаги турар жойларнинг калитлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

Байрам тадбирида мазкур биноларнинг қурилишида жонбозлик кўрсатган қурувчи ва лойиҳачилар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий округи мутасаддилари томонидан тақдирландилар.

– Аслида, халқимиз меҳнаткаш, бағрикенг, саховатли, ўз юрти ва яқинларини ҳимоя қилишга шай бўлган халқ ҳисобланади, – деди тадбирда сўзга чиққан Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Мирзо. – Бугун миллий мудофаамиз сафларига ҳар қандай мураккаб шароитларга шай турган мард, содиқ эр йигитларимиз – Ватанимиз қалқонлари, аслида ана шундай буюк халқнинг фарзандлари, улуғ алломаю закии ота-боболаримизнинг зурриёдлари. Шу маънода ҳарбий хизматчиларимиз ўзининг сабру тоқати, юксак касбий ва жисмоний тайёргарлиги билан юрт шарафини астойдил ҳимоя қилишга киришганини халқимизнинг асрий, азалий қадриятига қиёс этиш мумкин. Бугун ҳарбий соҳанинг бир гуруҳ жонқуярларига топширилган янги уйлар муборак бўлсин. Бу уйларда тўйлар байрамлар қилсинлар, оиласидаги мана шундай бахтёрлик сурури ҳарбий хизматга отланганида уларга қанот бўлиб турсин.

Байрам тадбирида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун жами 11 та 7 қаватли 440 та хонадондан иборат кўп қаватли уй-жойларнинг калитлари мусиқа садолари остида топширилди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Яшнобод туманидаги «Олмос» МФЙ ҳудудида мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун 2018 йилда жами 900 хонадондан иборат 31 та арзон кўп қаватли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган.

«Ушшаҳар қурилиш инвест» ИК матбот хизмати раҳбари Фаррух Дўстовнинг таъкидлашича, компания томонидан кейинги 3 йил давомида 1 миң 7 та арзон кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Шулардан 158 таси 5 қаватли бўлса, 799 таси 7 қаватли ва яна 47 таси 9 қаватли уйлар, уларнинг 3 таси 16 қаватдан иборат замонавий уй-жойлардир. Ушбу объектлар индивидуал тарздаги иситиш ва совутиш тизимлари, замонавий лифтлар билан тўла таъ-



минланган. Ҳудудда булардан ташқари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар ҳам барпо этилди. Уйлар қурилишида бинонинг пишиқ ва мукамал бўлишига катта эътибор қаратилди.

Шунингдек, Сергели тумани 8-қурилиш ҳудудида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Бу ерда 11 та 7 қаватли 440 хонадондан иборат бўлган кўркам уйларнинг калитлари ҳам ҳарбий хизматчиларга тантанали равишда топширилди.

– Фарзандим Усмонбек Хидиров болалигиданоқ ҳарбий хизматчи бўлиши, ҳарбий либосни кийишни орзу қилганди. Бугун эса унинг ва биз ота-онасининг орзулари амалга ошириб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси сифатида ўз йигитлик бурчинини садоқат билан амалга ошириб келаётганидан жуда хурсандимиз, – дейди Ақромбек Хидиров. – Албатта, Ватани ҳимоя қилиш ҳар бир эр-йигитнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шу маънода сафда шай туриб, она заминимиз сарҳадларини ҳимоя қилишни мақсад қилган, халқимиз тинчлиги йўлида жонини қалқон қилган ҳарбий хизматчиларимизга омад ва муваффақиётлар тилайман.

– Олий бош кўмондонимизнинг бизга бўлган юксак ишончи боис, мана шундай уй-жойларга эга бўлдик. Бу байрам арафасида биз учун катта туҳфа бўлди. Мен 17 йилдан бери ҳарбий хизматчиман. Кўплаб фахрий ёрликлар, ташаккурномалар билан мукофотландим. Бугунгидек юксак эътироф эса бизни келгусида Ватанимизга жонинимизни фидо қилган ҳолда, унинг тинчлиги ва оқойишталиги учун бор куч ҳамда билимимизни сафарбар этишга чорлаб турди, – дейди сержант Ойгул Кулжанбоева.

Давлатимизнинг нури келажаги йўлида куч ва сабот билан юрт олдидаги ўз бурчинини адо этган ҳолда мардона хизматини аямай келаётган Ватанимизнинг содиқ посбонларининг келгусидаги ишларида муваффақиётлар тилаймиз. Қувончингизга қувонч қўшадиган янги уйлар муборак бўлсин, азиз ҳарбийлар!

Нарғиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ватанпарвар бўлиш учун ҳарбий соҳада фаолият олиб бориш шарт эмас, дея таъкидланди тадбирда. Ҳар бир киши ўз касбининг етук мутахассиси бўлса ва, албатта, унинг бу сазой-ҳаракатларидан эл-юртга, халққа фойда тегса, Ватан тараққиёти йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Бугун ёшларимиз орасида ўзининг билим, салоҳияти, куч-қудрати билан мамлакатимиз довуғини дунёга танитаётган йигит-қизларимиз кўп. Уларнинг истеъдоди, қўлга киритаётган ютуқлари барчамизда фахр-фитҳор туйғусини уйғотади. Мана шундай фидойи, миллий руҳни ўзида мужассам этган, ватанпарвар ёшларимизга юртимизда қизлар учун «Зулфия» номидаги ҳамда йигитларга «Мард ўғлон» каби юксак давлат мукофотлари тақдим этил-

моқда. Бундай юксак мукофотларга сазовор бўлган ёшларимиз сони кундан-кунга ортиб бораётгани барчамизни руҳлантиради.

Тадбир давомида унинг иштирокчилари туман марказидаги Хотира хиёбонида «Мотамсо она» монументи ҳамда «Уч аскар» пойғи гул қўйишди. Хотира хиёбонида «Ватанпарварлик ва жасорат» шиори остида Чирчиқ ҳарбий округи аскарларининг чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллигига ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга бағишланган ватанпарварлик ойлиги доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.

Нарғиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Ҳарбийлар билан бир кун

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 21-сонли Меҳрибонлик уйда «Ҳарбийлар билан бир кун» деб номланган акция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Мудофаа вазирлиги ҳарбий ансамбли, Юнусобод тумани маданият бўлими ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тарбияланувчиларга Миллий армиямиз, ҳарбийлар ҳаётидаги қизиқarli воқеалар, улар фойдаланадиган қурол-аслаҳалар ва либослар ҳақида маълумотлар берилди.

Ёшлар ҳарбийларнинг қўл жанги ва фахрий қоровулнинг кўргазмалли чиқишларини томоша қилди.

Акцияни ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар қалбига ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий туйғуларини кучайтириш, Қуролли Кучларимиз ҳақида тушунчалар беришдир.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ.



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Таҳрир хайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магмуров, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсанокт» қурилиш материаллари» уюшмаси,
«УзАШҚЛИТИ» ДУК, «Ушшаҳар» соғлиқЛИТИ» ДУК,
«Кишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй
Телефонлар: 71-244-21-71 (яқубхона), 71-244-05-15 (қотибиёт),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbulycokori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85,
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямова.
ЎЗА яқини – 03.30. Топширилди – 04.00.

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нәшрга тайёрланди.

Таҳририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мўсаҳуқ

Дилшод Жалолов
Акmal Махкамov
Райхон Таниқулvovа

Бош директор – Дилшод Жалолов

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга оlingан.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-153.
1933 нусхада босилди. Қoғoз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.